

Муфтий ҳазратлари юрт келажаги ва фарзандлар бахти учун хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бердилар



12:39 / 24.10.2021 1315

Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда Президент сайлови муҳим воқеа ҳисобланади. Бугун, 24 октябрь куни мана шундай тарихий жараёнда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратлари ҳам иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, сайловлар очиқлик ва шаффофлик асосида янада файзли ўтмоқда. Муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратлари Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 41-сайлов участкасига келиб, муносиб номзодга овоз бердилар.

Шундан сўнг, муфтий ҳазратлари ушбу участка масъуллари билан суҳбат қуриб, мамлакатимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик ва сайлов жараёнлари муваффақиятли ўтишини тилаб, жумладан шундай дедилар:

– Аллоҳ таолога шукрки, бугун тарихий воқеада иштирок этиш бахтига муяссар бўлдик. У ҳам бўлса, Ўзбекистон Президентлигига муносиб номзодга овоз бериш кунидир. Мен ҳам мана шундай бир юртнинг фуқароси сифатида, диёрини севувчи мусулмон ўлароқ овоз беришда иштирок этмоқдаман. Умид қиламизки, азизлар ҳар бир нарса ниятга боғлиқдир. Имом Бухорий ҳазратлари ривоят қилган ҳадиси шарифда,

Пайғамбаримиз алайҳиссаллом, барча ишлар ниятга боғлиқдир, деб марҳамат қилганлар. Шундай экан биз ҳам муносиб номзодга яхши ният ила овоз бердик. Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг яхши ният ила муносиб номзодга овоз бериши яхшилик йўлидаги ҳамкорлигидир.

Ҳақ таоло Қуръони каримда: **“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!”**, деб баён қилган (Моида, 2).

Шундай экан, биз яхшилик йўлида бир-биримизга ёрдам бермоқдамиз. Аллоҳ таоло муносиб номзодни юртимиз, халқимиз ва келажагимиз учун хизмат қилишда Ўзи мададкор бўлсин...

Бугунги овоз бериш жараёнларида диний соҳа ходимлари, айниқса, имом-хатиблар ва мударрислар ҳам фаол иштирок этиб, барчага намуна бўлганларини алоҳида қайд этиш керак.

Бу йилги Президент сайлови миллий ва халқаро тамойиллар асосида, сайловчиларнинг юқори даражада иштирок этиши билан янада файзли ўтмоқда. Зеро, сайловчилар фаоллиги миллат ҳамжиҳатлигини, ўз юртига бўлган ишончни, олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватланишини яққол намоён этади.

Дарҳақиқат, охириги йиллардаги диний-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ва хайрли ислоҳотлар натижасида янги масжид-мадрасаларнинг очилиши, мўмин-мусулмонларга кенг имкониятлар берилиши Аллоҳ таолонинг юртимизга берган улуғ неъматлари бўлди.

Бугунги сайловларда мўмин-мусулмонларимизда келажакка бўлган ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси янада ортганини яққол кўриш мумкин.

Аллоҳ таоло мамлакатимиз тинчлигини барқарор ва халқимиз фаравонлигини янада зиёда айласин.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати